(Давоми. Боши 1-бетда):



# ХОРАЗМДА фидойилар яшайди

### «Тариғи пишганнинг товуғи бўлма»

Мен пайвандланган бир дарахтда икки хил мева пишишини эшитган эдим. Аммо Хонқа туманидаги Мичурин номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги раҳбари Собиржон Раҳимбердиев кўрсатган олмани кўриб, танг қолдим. Олма дарахтига дўлана, беҳи ва нок пайвандланган, энг қизиғи, ҳаммаси ғиж-ғиж ҳосилга кирган эди. Балхи, шотут, донатут, ўрик, олма, узум, нок, олмурут, бодомларнинг ҳосили шунчалик кўпки, нариёғи йўқ. Олмақоқини қайнатиб, ширасини идишларга солиб дарахтларга осиб қўйган. Бу ҳосилга тушадиган қурт-капалаклар учун қопқон вазифасини ўтайди.

Ўн бир гектарлик боғдан ўтган йили 61,5 миллион сўм даромад қилинган. Бир гектар майдонда 4 йилдирки, 20 мингта Калифорния тераги ўсмоқда. Ернинг унумдорлигини яхшилаш мақсадида фермер тариқ эккан, кейин беда ўстирган. Биргина тариқзорга 25 тоннадан ортиқ ўғит солинган. Эътиборлиси, Собиржон аканинг хўжалигида бульдозердан тортиб, ҳайдов тракторигача, дори пуркагичдан тортиб «КамАЗ»гача бор.

— Бировга қарамлигим йўқ, — дейди Собиржон ака. — Тариғи пишганнинг товуғи бўлишни ёмон кўраман. Астойдил меҳнат қилсанг, ниятингга эришасан. Яқинда иссиқхона қурмоқчиман. Унда дарахт қаламчалари етиштираман. Ҳар қандай дарахтни қаламчасидан кўкартириш мумкин. Муҳими, қилаётган ишингга, касби-корингга меҳр бўлсин.

— Собиржон ака меҳр ҳақида беҳуда гапирмади, — дейди «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Бекжон Матёқубов. — Унинг нафақат ўсимлик дунёсига, ҳайвонот оламига ҳам меҳри баланд. Боғида мўъжаз қўриқхонаси ҳам бор. Унда ёввойи ўрдак, қуён, каклик, тустовуқ ва бошқа кўплаб паррандалар боқилади. Балки эшитгандирсиз, унинг ярадор турнани даволаб, сафга қайтаргани ҳақида газеталарда ёзишган.

Менга бу табиат шайдосининг яна кўп фазилатлари ҳақида гапириб беришди. Аслида Собиржон ака табиатнинг оддий шайдосигина эмас, унинг қўли гул ва бағри дарё яратувчиси ҳамдир. Хоразмда Собиржон ака сингари одамлар қанча экан? Юзтами, мингтами, балки миллиондан ортиқдир?

Хоразмликлар — яратувчи халқ, дейишларининг боиси шу эмасми?

### Деҳқоннинг шаҳардаги кўмакчиси

— Эй, биродарлар 14 тонна кунгабоқар уруғи олиб келдим. 280 гектар ерга етади. Уруғини берай, ёнилғисини берай, ўғитини берай, экинглар. Етиштирилган маҳсулотнинг 20 фоизи менга қолса бўлди, 80 фоизи сизларга. Розимисизлар?

Хивада ўтказилган очиқ дала семинарида фермер хўжалиги раҳбарларига шундай деб мурожаат қилмаганида, мен «Урганчёғ» очиқ турдаги акциядорлик жамияти директори Баҳодир Бобожоновни танимаган ва бу корхонага ташриф буюрмаган бўлар эдим. Кейинги суҳбатлардан маълум бўлдики, кунгабоқардан 40 фоизгача ёғ олиш мумкин экан. Шунингдек, директор жон куйдираётган ўша 20 фоизлик маҳсулот корхонага 1 миллиард 400 миллион сўм миқдорида даромад келтирар экан.

— Аҳил оилада бешик бўшамас, — дейди директор. — Биз ширкат хўжаликлари, фермерлар билан қанчалик аҳил бўлсак, қўлимиз ҳам бўш қолмайди, чўнтагимиз ҳам. Масалан, ширкат хўжаликлари билан тузиладиган шартномада 5 фоизгача шелуха ва шрот комбинат ҳисобига қолдирилиши кўзда тутилади. Ахир бизга ем олиш ҳақида аҳолидан қанчалаб ариза тушмайди, дейсиз. Тирикчилик, ҳаммасининг мол-ҳоли бор. Қолаверса, ўша фоизни ҳам биз аҳолига сотамиз.

Шартномаларга мувофиқ, жамиятга 73 минг 928 тонна техник чигит келиши керак эди. Шу йилнинг 1 июнига қадар 58 минг 526 тонна хомашё олинди. Ширкат ва фермер хўжаликларига топширган чигитлари учун шу кунга қадар 76,5 фоиз истеъмол ёғи, 78,5 фоиз пахта шроти, 69,0 фоиз шелуха берилди. Бу бултургига қараганда икки ҳисса кўп, деганидир.

Умуман, жамиятда амалга оширилаётган хайрли ишлар, жумладан, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш бўйича ташкил этилаётган қўшма корхоналар, цехлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Бу ҳақда, эҳтимол, гали келганда айтилар. Аммо биз жамиятнинг 198 гектар ёрдамчи хўжалиги борлиги, шундан 96 гектарига чигит, 15 гектарига буғдой экилгани, 1,5 гектар иссиқхона ишлаб турганлиги, унда етиштирилаётган маҳсулотлар тўғридан-тўғри корхона ошхонасида ишлатилаётганлигини айтиб ўтмасак бўлмас. Шунингдек, жамиятнинг шаҳарни ободонлаштиришда, қишлоқ мактабларини таъмирлашда, қариялар оромгоҳларини ишга туширишда ва яна бир қатор хайрли ишларда ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Жамият қошидаги «Ўзхимвект» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси эса дунёда биринчи марта олеин ва пальмитин ёғ кислоталари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлигини эшитганмисиз? Хуллас, бу ишчан жамоа ўз тадбиркорлиги, омилкорлиги билан қишлоқни шаҳарга, шаҳарни эса қишлоққа яқинлаштираётир.

### Уят ўлимдан қаттиқ

Қўшкўпир тумани ҳокими Бахтиёр Ражабов гаражда кимгадир дона-дона қилиб гапираётган экан. Бир томонда 4 та янги комбайн турибди.

— Ҳар ким ўз ишини пухта бажарса, ҳеч кимга ортиқча юмуш қолмайди. Комбайнлар 6 та бўлиши керак эди. Охунбобоевликлар қарзини тўламаса, комбайнни бермаймиз, дейишибди, — бизга тушунча берди ҳоким. — Булар эса индамай келаверибди. Шундай деди-ю, ҳоким таъминот маркази билан боғланди. Вазиятни тушунтирди, транш келгани ҳамон пул кўчириб беришини айтди. Масала ҳал бўлди-қўйди.

Бу гаплардан таъминотчи табиийки, изза бўлди, бўйнини хам қилиб, узр сўради. Шунда менинг кўнглимдан бир ўй ўтди. Таъминотчи энди ишни бундай чала қолдирмайди. Ваҳоланки, ҳоким уни кўпчиликнинг олдида очиқчасига сўкиши ҳам мумкин эди. Хоразмлик деҳқонларнинг ҳам, раҳбарларнинг ҳам сўкинишганини кўрмадим. Қошиқ билан ош бериб, сопи билан кўз чиқарадиганлар камми? Тилга олиб бўлмайдиган сўзлар билан лафзини ҳаром қиладиган раис, ҳоким ва бошқа раҳбарлар йўқ дейсизми? Хоразмда сўкмайди. Уялтиради, изза қилади. Уят эса ўлимдан қаттиқ.

— Инсон маънавияти бир дакки билан ёки бир-икки йилда шаклланиб қолмайди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Бектурди Собиров. — Бу, биринчидан, генетика билан боғлиқ, қолаверса, йиллар, даврлар керак бунинг учун. Дастлаб бола маънавияти, унинг маънавий ва руҳий оламида эркинлик ва миллий ғурур туйғуларини шакллантиришимиз керак. Шунда улар миллатимиз қадриятларини улуғлаб, авлодлар ишига садоқатли бўлади. Биз, ҳарқалай мавжуд 54 та мактаб ва лицейларимизда ўқувчиларни ана шу руҳда тарбиялашга интилаяпмиз. Бу борада бизга ота-оналар ва маҳалла қўмиталари ҳам ёрдам бераяпти. Ўз навбатида биз ота-оналар рейтингини ҳам юритамиз. Уларнинг жамоат ишига аралашуви, мактаб тадбирларида қатнашуви, фарзандларининг яхши ўқишлари учун қай даражада шароит яратиб берганлиги ва пировард натижада боласининг ўқишга кирган-кирмаганлиги ҳам рейтинг кўрсаткичида алоҳида ҳисобга олинади ҳамда тўпланган балл ота-оналар қўмитаси йиғилишларида эълон қилинади. Бундай баҳодан, табиийки, ота-оналар ҳам ҳушёр тортишади, масъулияти ортади.

Маҳаллаларга бизнинг жамоатчи педагог-психологларимиз биркитилган. Кичкинтойларни мактабга тайёрлаш йил бўйи давом этади, бу борада мунтазам машғулотлар олиб борилади.

Хўш, буларни мен нима учун айтаяпман? Ёшлар — бизнинг келажагимиз, деймиз. Улар бизнинг юзимиз, дунё тамаддуни олдида айтадиган сўзимиз ҳамдир. Маънавияти бутун одамгина ватанпарвар, ўз элига садоқатли бўла олади. Эртага хўжалик юритиш, мулкка эгалик қилиш учун ҳам илм керак!

Шу аснода туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Қадамбой Ортиқов суҳбатга аралашди:

— Айниқса, ҳозирги фермерлар ҳуқуқий масалаларда унча-мунча юристни шошириб қўяди. «Халқ сўзи»да чиқаётган қонунларни қирқиб, ёнида олиб юришади. Яқинда денг, биттаси ҳатто «МТПдагилар қачон бизнинг олдимизга келиб шартнома тузишади, биз таъминотчимиз, ахир?» деб талаб қилди. Хуллас, келажак деҳқони кетмон эмас, компьютер кўтариб юрса, ажаб эмас.

### Маржон орасидаги гавҳар

Урганчга бундан икки йил муқаддам боргандим. Кеча бу шаҳар кўчаларини айланиб, танимай қолдим. Кенг ва ёруғ кўчалар, хиёбонлар, бир томонда Жалолиддин Мангуберди сайилгоҳи, бир ёнда Авесто боғи. Амур Темур боғи ҳам тўла таъмирланибди. Кўплаб маъмурий бинолар, мактаб ва коллежлар ишга туширилибди. Гимнастика мактаби ёнида эса Олимпия заҳиралари коллежи қад ростламоқда. Хуллас, ҳазрат Навоий дебдиларким: «...бирбир на дейин, бошдин оёғинг яхши».

Дарҳақиқат, хоразмликлар бугун чўлда ҳам, ёнда ҳам, қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам бунёдкорлик руҳи билан меҳнат қилмоқдалар. Мен буни қишлоқ хўжалигида ҳам, саноатда ҳам, қурилиш ва алоқа соҳаларида ҳам ҳис этдим, кўрдим, гувоҳи бўлдим. «Урганчёғ» акциядорлик жамияти директори таъкидлаганидек, муаммолар ҳам бор, аммо уни бу юрт одамлари бировнинг олдида дастурхон қилиб ўтиришмайди, «Уни ўзимиз эплаймиз. Нолиш — ожизлик белгиси», деб ҳисоблайдилар. Улар «йиғласа онам йиғлар, қолгани ёлғон йиғлар», деган нақлга тўла амал қиладилар.

Давлатга пилла топшириш режасини бирин-кетин адо этган туманлар ҳозир бутун диққат-эътиборини ғаллани нест-нобудсиз йиғиштириб олишга, ғўза парваришига ва такрорий экин экишга қаратганлар. Барча куч-қудрат ва техника ана шу хайрли ишларга жалб этилган. Хоразмликларнинг шаҳду шижоати, тажрибаси, омилкорлиги бу вазифаларнинг тўла-тўкис уддаланишидан далолат бериб турибди.

Хоразм — Ўзбекистон аталмиш маржон орасидаги гавҳардир. Хоразмликлар эса бу гавҳарга ҳеч қачон гард юқтирмайдилар.

### Яна бир ғамхўрлик

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг хоразмлик деҳқонлар, фидойи инсонларнинг меҳнатини қадрлаб айтган сўзларини юқорида келтириб ўтдик. Очиғини айтганда, бу инсонларнинг келажакка катта ишонч билан қараб, меҳнат қилаётганликлари, вилоят шаҳар ва қишлоқларининг обод бўлаётганлиги, аҳоли турмуш тарзи фаровонлашаётганлиги замирида мамлакатимиз раҳбарининг улкан ғамхўрлиги ва бевосита рағбати ҳам мужассамдир. Эсингизда бўлса, ўтган йили воҳа меҳнаткашлари учун жуда оғир йил бўлди. Шундай бир пайтда Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув танқислиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида» қарори эълон қилинди ва мазкур ҳужжат ижроси юзасидан талай хайрли ишлар амалга оширилди. Қолаверса, кеча мазкур мақола саҳифаланаётганда Юртбошимизнинг ушбу воҳа тараққиётида муҳим силжиш бўладиган ҳужжатга имзо чекканлиги аён бўлди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди. Демак, эндиликда Хоразмда ўрта ва кичик бизнес янада тараққий топади ва бу вилоят, қолаверса, мамлакат иқтисодиёти ривожига катта улуш бўлиб қўшилади. Энг муҳими, юрт ободлашади, турмуш фаровонлашади. Хоразмлик фидойи инсонларга бу борада ҳам ишонса бўлади!**

**Эсиргап БОЛИЕВ.**
**«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.**



Тошкент вилоятининг Бекобод тумани ғаллазорларига ҳам ўроқ тушди. Бу юмушни биринчилардан бўлиб «Авангард» ширкат хўжалиги ғаллакорлари бошлаб бердилар. Ушбу жамоада 820 гектар ерга ғалла экилган бўлиб, унинг ҳаммаси 102 нафар пудратчининг ихтиёрига берилган эди. Пудратчилар эса барча майдонларда мўл ҳосил етиштирдилар. Шу боис улар «Ҳар гектар ердан ўртача 50 центнердан сара дон йиғиштириб оламиз!» дейишмоқда.

**СУРАТДА: (чапдан ўнгга) комбайнчилар Аҳмадали Қўшматов ва Даврон Эргашев, пудратчи Ғайрат Алиқулов, туман ҳокимининг ўринбосари Маламин Махсудов, хўжалик бошқаруви раиси Дониёр Мўминов ғаллазорда.**

**Еркабой БОТИРОВ олган сурат.**

*Ҳуқуқий сабоқлар*

# ЭРКИН ЖАМИЯТ

## ёхуд сиёсий плюрализмнинг қонуний асослари хусусида

***Ҳуқуқий демократик жамият талабларидан бири унда сиёсий плюрализм (сиёсий хилма-хиллик, сиёсий қарашлар эркинлиги)нинг сўзсиз мавжуд бўлишидир. Тўғрироғи, сиёсий плюрализмсиз демократик жамиятнинг ўзи мавжуд бўлолмайди. Ва, табиийки, сиёсий плюрализм ҳам маълум ва мукаммал ҳуқуқий асосларга эга бўлиши лозим. Бусиз сиёсий плюрализмнинг ўзи «ноқонуний» бўлиши мумкин.***

Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда сиёсий плюрализмнинг мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун етарли ҳуқуқий асослар яратилган. Аввало, мамлакатимиз Конституцияси сиёсий плюрализм кафолати ва, таъбир жоиз бўлса, манбаи ҳамдир. Унинг 29-моддасида, жумладан, шундай сўзлар битилган: **«Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир».**

Ҳеч шубҳасизки, ушбу меъёр сиёсий плюрализм мавжуд бўлиши учун муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, сиёсий плюрализм **фикрлаш, сўз** ва **эътиқод эркинлиги**сиз ўзини намоён эта олмайди. Турли сиёсий фикрлар, қарашларнинг эркин ва баралла ифода этилиши учун сўз эркинлиги ёрдамга келади. Тўғри-да, жамият аъзоларида турли сиёсий қарашлар ва фикрлар мавжуд бўлса-ю, уни айтиш имкони бўлмаса, бу ҳолат сиёсий плюрализм ҳисобланмайди. Хўш, бу ўринда нима керак? Албатта, эркин оммавий ахборот воситалари! Шуниси қувонарлики, Конституциямиз ўзининг 67-моддасида буни ҳам кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VIII боби фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига бағишланиб, у айнан сиёсий плюрализм ривожланишини кўп жиҳатдан таъминлайди, кафолатлайди. Чунки сиёсий ҳуқуқларнинг Конституцияда акс эттирилиши айнан сиёсий плюрализм сари муҳим ва залворли қадамдир.

32-моддада шундай сўзлар таъкидланади: **«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади».** Бу конституциявий меъёрнинг ҳаётимиздаги ифодасига бир неча бор гувоҳ бўлдик. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда президентлик сайловлари, парламентга сайловлар, муҳим масалалар юзасидан умумхалқ референдумлари ўтказилди. 2002 йилнинг 27 январида ўтказилган икки палатали парламентга ўтиш ҳамда Президентнинг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш масалалари юзасидан ўтказилган умумхалқ референдуми эса мамлакатимиздаги сиёсий плюрализмнинг яна бир кўриниши бўлди.

Унда фуқароларимизнинг фаол иштироки эса халқимиз жамиятда кечаётган жараёнларга бефарқ эмаслигидан, ўзининг, келажак авлоднинг тақдири учун астойдил қайғураётганлигидан далолатдир.

Маълумки, собиқ шўролар даврида мамлакатда узлуксиз битта партия ҳукмронлик қилди. Бу ҳол, табиийки, ҳуқуқий, демократик, бир сўз билан айтганда, инсоний жамият талабларига зиддир. Шу боис ҳам Ўзбекистонда истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб кўппартиявийлик тизими яратилди. Дарвоқе, ҳозирда мамлакатимизда тўртта сиёсий партия тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган ҳолда фаолият юритмоқда. Уч мингга яқин турли ҳаракатлар, нодавлат, жамоат ташкилотлари самарали ишлаб турибди. Бу эса Конституциямизнинг 12-моддасидаги мана бу сўзларга ҳамоҳангдир: **«Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.**

**Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас».**

Ўз-ўзидан аёнки, мамлакатдаги сиёсий партиялар ва бошқа институтларда фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий кафолати зарур бўлади. Бусиз юқоридаги меъёр ўз аҳамиятини дарҳол йўқотган бўлур эди. Конституциянинг 34-моддасида эса бу жуда мукаммал ифодаланган: **«Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар».**

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий плюрализм ривожланиши учун етарли ва мукаммал ҳуқуқий асослар яратилган. Шу боис Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг VIII сессиясида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш, уларнинг кафолатларини сўзда эмас, реал ҳаётда таъминлаш хусусида алоҳида тўхталиб, «бу соҳадаги муҳим вазифалардан бири — қабул қилинган қонунларимиз ва ҳуқуқий нормаларнинг ҳаётга татбиқ қилинишини танқидий кўз билан баҳолашимиз» лозимлигини, керак бўлса, «инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича тегишли халқаро ташкилот ва марказлар билан қонунчилигимизни такомиллаштириш устида бундан-да кўпроқ ишлашимизни», бугунги кунда «ҳокимият ва суд органларининг бу борадаги масъулиятини оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганини» алоҳида таъкидладилар. Ана шуларга таяниб, айтиш жоизки, ҳуқуқий демократик жамият қурилиши жараёнларини янада тезлаштириш ҳаммамиздан мавжуд қонунлар ва бошқа муҳим ҳужжатлар моҳиятини аҳолига кенг тушунтириш, сиёсий жараёнларга эътиборни яна ҳам оширишни талаб этади.

**Содиқжон ЗОКИРОВ,**
**Тошкент давлат юридик институти докторанти.**

# МАТБААЧИЛИК УФҚЛАРИ

Агар эътибор берадиган бўлсак, кейинги пайтда босма маҳсулотларнинг сифати тубдан ўзгарганлигини, ранги, дизайни жиҳатидан кишини ўзига жалб этадиган маҳсулотларнинг кўпайганлигини кузатиш мумкин. Соҳада турли хил мулк шаклидаги корхоналар, бир сўз билан айтганда, рақобат муҳити вужудга келди. «Растр», «Гротекс», «ПолПос», «Полиспектр» ва бошқа қўшма корхоналар фаолият кўрсатаётгани фикримизнинг тасдиғидир.

Мамлакатимиз матбаа саноатида аҳолининг талаби асосида изланишлар олиб борилмоқда. Масалан, маҳсулот сифатини яхшилаш борасида бир қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жорий йилнинг 10-14 сентябрь кунлари Тошкентда тўртинчи маротаба «ЎзУПАК-2002» (ёрлиқ, жойлаш) ва «Ўзбек ин Принт-2002» (матбаа, нашриёт ишлари, реклама, сурат) халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади. У Давлат Матбуот қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси шафелигида ташкил этилмоқда. Кўргазмада тармоққа зарур бўлган турли хил асбоб-ускуналар, техника воситалари намойиш этилади.

Яқинда «Ўзэкспомарказ»да кўргазмани ўтказишга бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда республика Давлат матбуот қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Р. Сафоев ва кўргазмани ташкил этишга мутасадди ташкилотлар раҳбарлари журналистларнинг саволларига жавоб беришди.

***Ҳосил КАРИМОВ,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***

Танқид, таҳлил, таклиф



# ҚОРАКЎЛЧИЛИК КАМДАРОМАДЛИ ТАРМОҚМИ?

Зафаробод туманидаги «Чимқўрғон» хўжалиги чорвачиликда, хусусан, қоракўлчиликда бой тажрибага эга. Жамоанинг иқлим, яйлов шароити ён-атрофдаги хўжаликларникига нисбатан анча яхши. Шу боис бу ерда бир вақтлар 34-35 минг бошгача қоракўл қўй боқилган. Чўпон-чўлиқларнинг меҳнат шароитлари ҳам бошқаларникидан зиёда бўлса бордиру, кам эмас. Аммо кейинги йилларда ширкатлар уюшмасида қўйлар бош сони нимагадир кескин камайиб бормоқда. 2000 йилнинг май ойидаги ҳисоботларда 21360 бош қўй мавжудлиги кўрсатилган. Ўтган йилнинг шу даврида эса моллар сони 4165 бошга камайган, 7617 бош совлиқ бўлган. Ҳозир эса қўйларнинг жами сони 9632 тадан ошмайди. Уларнинг 5274 тасигина совлиқ.

**— Фақат кейинги икки мавсумда қоракўл қўйлар 11728 бошга камайганининг сабаби нимада? — сўраймиз уюшма раиси Сапарбай Алимхоновдан.**

— Сўнгги 3-4 йил чорвачилик учун жуда оғир келди, — дейди раис. — Моллар бош сонини кўпайтира олмадик (сақлаб қололмадик, демоқчи бўлди, шекилли). Қолаверса, олдинги мавсум айрим отарларда камомад борлиги маълум бўлди(?). Оқибатда Сарсенбой Еранов, Абдусаттор Қолбеков, Илёс Алимов каби чўпонлар мажбурий хизматга тортилиб, етмаган қўйларни тўлайдиган бўлишди.

**Бизнинг шарҳ:** *Кейинги йилда вилоят бўйича қўй-эчкилар сони 46110 тага камайган. Бу мавжуд молларнинг 16 фоизи демакдир. «Чимқўрғон»да эса моллар салкам ярмига — 44 фоизга камайиб кетган.*

**— Сиз айтаётган ўша камомадлар ҳисоботларда 3593 бош деб кўрсатилган. Бу йўқотилган жами молларнинг учдан бири холос-ку. Қолган 8 мингтига нима дейсиз?**

— Рости, бемаврид талафот ҳам кўп бўлди, — тан олди раис. — Бултур 296 бош, жорий йилнинг ўтган даврида 172 бош қўй ҳаром ўлди. Уч юзга яқин қўйни турли эҳтиёжлар учун сарфладик. 1034 та қўй гўштга топширилди.

**Яна изоҳ:** *гўштга топширилаётган қўйлар ҳам уюшма учун турган-битгани чиқим, десак, муболаға бўлмас. Негаки, уларнинг ўртача вазни тобора енгиллашиб бормоқда. 2001 йили ҳар бири ўртача 23 килограммдан тош босган бўлса, жорий йилда аранг 15,6 килограммга етди. 8-10 килограмм гўшт қиладиган қўйлар ҳақида гапиришга уялади киши.*

— Айрим қари, нимжон, касал молларни мажбуран гўштга топширамиз, — давом этди раис. — Яна озгина боқиб, семиртиришга шароитимиз ҳам, иложимиз ҳам йўқ. Имконият топса бўлар-ку, юқоридан рухсат беришмайди. Илгари ёнгинамизда туманлараро бўрдоқичилик мажмуаси бўларди. Ҳатто Зомин, Ғаллаорол, Бахмал туманларидан мол қабул қилиниб, гўшт учун боқиларди. Бу бизнинг режали ишлашимизда, иқтисодий аҳволимизни ўнглашимизда жуда асқотарди. Мажмуада боқиладиган қўйлар вазни 44-50 килограммгача етганидан хабаримиз бор. Бундай жойда соғлиғи тикланган совлиқларни яна отарларга қайтариш ҳам катта фойда берарди.

**Бизнинг мулоҳаза:** *Ҳақиқатан ҳам, раис айтган мажмуанинг йирик бинолари, молларни озиқлантириш, суғориш мосламалари бор. Ён-атрофда яйлов ва бедазорлар барпо этиш имкониятларини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Фақат уларни ишга солиш учун жон куйдирадиган тадбиркор раҳбар, елиб-югуриб ишлайдиган мутахассислар керак. Хўш, мутасаддилар бу ҳақда қандай фикрдалар?*

**Вилоят «Қоракўл» акциядорлик бирлашмаси раиси Эргаш Кашаев сўзи:**

— Алоҳида хўжаликларда молларни бўрдоқига боқишни ташкил этишнинг иложи йўқ. Биз бундай мажмуани асосий қоракўлчилик тумани ҳисобланган Форишда қуришни режалаштираяпмиз. Сиз айтган бино ва қурилмалар эса аллақачон сотилиб кетган...

Яқиндагина Зафаробод туманида бўлганимизда «Чимқўрғон» бўрдоқичилик мажмуаси фаолиятини қайта йўлга қўйиш борасидаги уринишлар ҳақида эшитгандик. Катта раҳбар эса бундай деб турибди. Кейин билсак, жаноб Кашаев шу йилнинг 19 март куни имзолаган 6-сонли буйруғи билан Асқарбек Сашов деган кишини «қўй-бўрдоқичилик ширкат хўжалигига раис» этиб тайинлаган экан. Бу нима, довдирашми ёки бошқаларни ҳам довдиратишга уринишми?..

**— Камомадлар «тозаланган» экан, нега бу йил ҳам хўжалигингиз вилоятдаги жамоалар ичида қўзилатиш бўйича энг орқада? Ҳар юз бош совлиқ эвазига 80 тадан қўзи олинганини қандай тушунса бўлади?**

— Биласизми, ўтган йили ўша етишмаётган совлиқлар ўрнини тўлдириш учун бир қанча қўзилар ҳам она қўй сифатида даромадга олинганди, — деди раис бир оз очилиб. — Қўзилар эса туғмайди.

**— Бу йилги қўзиларнинг ярмидан кўпи қоракўл тери учун сўйилибди. Маҳсулот эса ҳамон омборда. Сўйилган, ҳаром ўлган қўйларнинг 2483 та териси ҳам шундайлигича турибди. Умуман, ишлаб чиқарилаётган жун, тери, қоракўлнинг сотилиши қандай?**

— Қоракўл териларни фақат Бухоро қоракўл заводига топширамиз. Жунни эса Келес жун фабрикасига берамиз. Ҳақига чўпонлар учун кийим-кечак, эҳтиёт қисмлар оламиз. Рости, анча қиммат нархларда. Бўлмаса, пулимиз заводларда тураверади.

**Бизнинг шарҳ:** *Бу бор гап! Бугунга келиб Бухоро қоракўл заводининг хўжаликлардан қарзи 20 миллион сўмга етади. Устига устак, завод териларни арзимаган нархда олаётир. Уларнинг ўрнига тавсия этаётган маҳсулотларига эса анча қиммат нархлар белгилаётир. Бинобарин, чўпонлар меҳнати ва маҳсулоти арзон-гаров баҳоланаётир. Хўжаликлар нақд пули йўқлигидан кундалик эҳтиёжлари учун қоракўл қўйларни сарфлашга мажбур. Жумладан, ўтган 4 ойда уюшма тизимидаги хўжаликлар маош ва мукофот учун минг бошдан зиёд қўй-қўзи тарқатибди. 300 дан ортиқ қўй дори-дармон учун кетибди. Бу ҳали «махсус сўйилган», турли харажатлар, шунингдек, заруратга гўшт учун сўйилганларидан ташқари. Маошни вақтида беролмаган, солиқ тўлолмаган жамоаларга эса янада қийин. Биргина Омонгелди номли хўжалик 2001 йилда солиқ учун 1300 бошдан зиёд қўй тўлади.*

Яна бир жиддий муаммо қоракўл қўйларни ичимлик суви билан таъминлаш масаласи бўлиб турибди. Вилоят бўйича қоракўл отарларига 350-400 қудуқ зарур. Афсуски, ҳозир уларнинг ярми ҳам ишламайди. Қўйлар шўр, кўлмак сувни ичишга мажбур. Уларнинг тез-тез касалланиши, кўплаб нобуд бўлиши ҳам шундан. Қудуқларнинг бир қисмида мотор, тасма йўқ. Янгиларини қазиш, эскиларини таъмирлаш, зарур анжомлар билан таъминлаш учун мутахассислар, маблағ керак. Бундай юмушлар марказлашган ҳолда ташкил этилмагани боис отарларга қимматга тушаётир.

Қоракўлчилик — яйлов билан. Қоракўл қўй ҳар куни 20-25 километр йўл юрмаса, териси сифатли қўзи туғмайди. Шундай экан, қоракўлчилар яйловлар ҳолатини яхшилаш, Айдаркўл остида қолиб кетган юз минглаб гектар яйлов ўрнини қоплаш, сувга чидамли, серҳосил, кўп йиллик изен каби ўсимликларни экиш чораларини кўришлари даркор. Яйловларда молларни алмашлаб боқиш эвазига далалардаги янтоқ, шувоқ, қатрон, балиқкўз каби озуқалар ҳолатини сақлаш, яхшилаш лозим. Бу каби масалаларни ҳал этмай туриб, қоракўлчиликни сердаромад соҳага айлантириб, ўзбек қоракўлчилигининг шуҳратини тиклаб бўлмайди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Орамиздаги одамлар*



# УСТОЗГА, МАСЛАҲАТГА...

## шогирдлар садоқати — азалий қадриятимиз

Яқинда муштарийларимиздан бири сўраб қолди: «Нега баъзида ҳамсуҳбатингизнинг исми шарифини келтирмай умумлаштириб ёзасиз?» Мен, энг муҳими — фикрни газетхонга етказиш, бу йўлда турли шакллардан фойдаланиш мумкинлигини айтдим. Жавобим у кишини қониқтирмади.

— Долзарб мавзуда ёзган «Огоҳ бўлсанг, ... олам сеники!» мақолангизда халқимиз ичида Ўзбекистон юритаётган сиёсатни юрак-юрагидан қабул қиладиган, бу ҳақда маҳалла-кўйда юртдошларига уқтираётган зукко одамларимиз бор, дегансиз. Сўнгра бир отахон ҳақида ҳикоя қилгансиз. Хўш, халқ дарди билан ёнувчи шу оқсоқол ким? Нега шундай фидойи инсонни яқиндан таништирмайсиз?

Ўйлаб қарасам, бу эътироз жудаям ўринли. Зеро, матбуотнинг вазифаси жамоатчилик ўртасида фикр уйғотиш экан, ўшандай мушоҳада айнан кимларнинг тафаккурини ифода этиши муҳимдир. Энди муддаога кўчсак. Ҳамиша уйғоқ фикрлари билан бошқаларнинг қалбига ўт ёқиб юрган, Юртбоши юритаётган сиёсатнинг мағзини халққа етказиш иштиёқини дилига туккан бу инсон пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги Акмал Икромов маҳалласи фуқаролар йиғини раиси ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди Борий Раҳимовдир. Бугунги кунда етмишвойлар даврасидан жой олаётган бу инсон бутун онгли ҳаётини илму фанга, кадрлар тайёрлашдек савобли ишга бағишлади.

Борий аканинг шогирдлари нафақат Ўзбекистон ёки Ҳамдўстлик мамлакатларида, балки Яқин Шарқ ва олис Африка тупроғида ҳам меҳнат қилишади. Узоқ йиллар Тошкент давлат аграр университетида кафедра мудири лавозимида ишлаб келган Борий Раҳимов қўлида таҳсил олган собиқ талабалар халқ хўжалигининг турли жабҳаларида иқтисодий ислоҳотларни жорий этиш билан банддирлар.

Тўғри, у киши бугунги кунда қарилик нафақасига чиққан. Лекин бу инсоннинг мушоҳада юритиши, ҳар бир ишга ажиб манфаатдорлик билан қараши ижтимоий ҳаётда фаол бўлган ҳар қандай фуқародан кўра устувордир. Бугун ҳам домланинг хонадони турли вилоятлардан йўқлаб келувчи шогирдлари билан файзиёб. Улар фан ва амалиётдан сабоқ берган устозларидан қимматли маслаҳатлар олгани келишади. Энг мураккаб ҳолатларда қандай ечимни қабул қилиш хусусида сўрашади.

— Президентимизнинг Санкт-Петербургдаги саммитда сўзлаган нутқларини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим, — дейди Борий ака. — Ҳар бир ибора халқ ғамхўрлиги билан, эл тинчлиги учун бедор туйғу билан суғорилган. Биз буларни нафақат ўқишимиз, балки бошқаларга ҳам уқтиришимиз, юқтиришимиз керак. Акс ҳолда бизнинг зиёлилигимиз қаерда қолди?!

Ҳа, шундай одамлар туфайли атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ қарамаймиз, ҳамиша огоҳликни дилимизда тутамиз. Қани энди, ҳаётимизда Борий ҳожи Раҳимовга ўхшаган жонкуяр, ватанпарвар инсонлар давраси кенгаяверса.

**Ш.ЖАББОРОВ.**

***СУРАТДА: Борий Раҳимов (ўртада) маҳалла фаоллари Фарида Йўлдошева ва Эргаш Кончиев билан суҳбатлашмоқда.***

**Н.МУҲАММАДЖОНОВ** олган сурат.

*Футбол*

# КУНЧИҚАРДА СЎНГАН ЮЛДУЗЛАР



Франция ва Дания терма жамоалари учрашувидан сўнг жаҳон чемпионлари ўз ватанларига эрта қайтишга мажбур бўлдилар. Уларга даниялик футболчилар «оқ йўл» тилаб қолишди. Шу куннинг ўзидаёқ мамлакат Бош вазири Жан-Пьер Раффарен ўз изтиробларини битта жумлага жамлаб, «Спортда омад ҳам, омадсизлик ҳам ёнма-ён юради» дея ҳамюртлари кўнглини кўтаргандай бўлди. Аммо бу француз футболчиларининг ҳеч бирининг кўнглини ёритмади. Айниқса, бундан энг кўп қийналган Зайниддин Зидан бўлди, десак адашмаймиз. Чунки унга бутун Франция катта умид боғлаган эди. У эса...

— Чемпионат бошлангандан буён ҳар қадамда таъна-дашном эшитавериб, юрак-юракдан эзилдик, — дейди З. Зидан. — Шу боис охирги ўйин бўладиган кун ҳар качонгидан эрта уйғондик. Ҳар биримиз ғалаба қозонишни орзу қилардик. Тўғри, қаршимиздаги даниялик кучли рақибдан чўчимадик. Аммо мен ўша ўйинда на Петини, на Трезегени, на Виейрани таний олдим. Гўё майдонда ёлғиз қолгандай эдим...

Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Ўша ўйинда нафақат Трезеги ёки Виейра, балки французларнинг ишончига айланган Анри ҳам, Дюгарри ҳам ўз рақиблари олдида ип эшолмай қолди.

Аслида-ку, чемпионатда «фалакнинг кажрафтори»га биргина Франция учрамади. Кеча кўпчилик Швеция-Аргентина ўйинини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолишди. Ларс-Лагербек шогирдлари Осиёдан фақат чемпион бўлиб қайтишни ният қилган аргентиналикларга чинакам «швед жанги»ни кўрсатиб қўя қолишди. Шу куни аргентиналиклар чеккан изтиробларни ҳеч бир сўз билан изоҳлаб бўлмади. Киши ҳайрон қолади. Бу натижалар чемпионатнинг мўъжизасими ё тасодифми? Устига-устак, Франция ва Аргентина дардига дардкаш бўладиган яна бир жамоа қўшилиши мумкин. Гап шундаки, ҳозирда энг кучли таркибни ташкил қилган Италия термасининг ҳам эртанги куни қандай бўлиши даргумонлигича қолаётир. Ёки XVII жаҳон биринчилиги ғолиблигига даъвогар сифатида эътироф этилаётган португалияликлар ҳам «сеҳрли диёр» футболчилари билан бўлган биринчи учрашувдаёқ қовун туширишди. Очиғи, ҳеч бир мухлис АҚШ ва Португалия терма жамоалари ўртасидаги учрашувда 3:2 ҳисоби қайд этилади, деб ўйламаган бўлса керак. Энг қизиғи, ўша куни Америкадаги энг йирик спорт телеканали ҳисобланган ESPK ўз терма жамоасининг ўйинини намойиш қилиш ўрнига шу соатда хоккей бўйича «Стэнли Кубоги» баҳсларини кўрсатиш билан банд бўлганлигига нима дейсиз. Мабодо Португалия терма жамоаси эртага кореяликлар устидан ғалаба қозона олмасалар, билингки, улар яна бир бор «сенсация» муаллифи сифатида ўз уйларига равона бўлишади.

«Кимга аза, кимга тўй» деганларидек, шу кунларда Бразилия, Сенегал, Дания, Испания, Германия, Ирландия футболчиларининг қувончи еру кўкка сиғмайди. Айниқса, Сенегал президенти ўз ҳамюртларининг дастлабки довон «тегирмони»дан омон чиқиб, гўзал ўйинлар «ижро» этганликларидан жуда хурсанд кўринади. Сенегал-Франция учрашувидан сўнг мамлакат талабалари бир ойлик таътилга чиқарилганлиги фикримиз далили бўлиши мумкин.

Тўғри, сенегалликларни олдинда аввалгиларидан-да шиддатлироқ ўйинлар кутиб турибди. Бўлажак рақиб — истаган рақибини «тиззаси»ни қалтиратишга қодир Швеция терма жамоаси! Аммо ушбу ўйин қандай натижа билан тугашидан қатъи назар сенегалликлар футбол оламида «янги туғилган чақалоқ» деган ҳақли эътирофга сазовор бўлишди.

Хабарингиз бор, Аргентина, Англия, Швеция ва Нигерия термалари иштирок этаётган «F» гуруҳида иккинчи турдан сўнг чигаллик томон юз тутган эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, гуруҳда ўтказилган икки учрашувдан сўнг ҳаммаси жой-жойига тушди. Швецияликлар ва англияликлар Аргентина ва Нигерия футболчиларини ўз ватанларига етиб олишлари учун «чипта»ларини қўлларига тутқазишди. Бугун эса бир-биридан қизиқарли бўлган тўрт учрашув бўлиб ўтади. Унда Коста-Рика-Бразилия, Туркия-Хитой, Мексика-Италия ва Эквадор-Хорватия термалари орани «очиқ» қилишади. Туркия, Коста-Рика ва Италия футболчиларининг тақдири айни шу ўйинларда ҳал бўлади.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ёз ўтади соз*

# ОРОМГОҲ ТАЙЁР



**Поп туманининг Чодак қишлоғидаги сўлим гўшада туман болалар оромгоҳи жойлашган. Мактабларда ҳали машғулотлар давом этаётган бир пайтда оромгоҳни мавсумга тайёрлаш ишлари бошлаб юборилган эди...**

**— Биз оромгоҳни таъмирлаш ишларини хўжалик ва ташкилотларга бўлиб бергандик, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси раиси Абдумалик Умаров. — Бу усул яхши натижа берди — оромгоҳ муддатидан олдин тахт ҳолга келтирилди. Айниқса, Поп механизациялашган кўчма колоннаси, Ш.Мирсултонова номли, «Навбаҳор», «Дўстлик», «Сирдарё», «Иттифоқ» жамоа хўжаликлари таъмирлаш ишларида фаол қатнашиб ўз болажонликларини амалда исботладилар.**

**Бу йилги мавсумда ҳар сменада 320 тадан — уч сменада жами 960 ўқувчи ёшлар дам олиб келгуси ўқув йилига куч тўплайдилар. Бунинг учун бу ерда ҳамма шарт-шароит муҳайё. Йўлланманинг асосий нархи 22839 сўм бўлсада ота-оналар унинг бор-йўғи 5 фоизинигина, яъни 1096 сўмини тўлайдилар.**

**Сўлим оромгоҳ дилбандларимизга мунтазир.**

**Ҳайитбой ЭРГАШЕВ.**






*Муқобил хизмат*

# ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Маълумки, 1992 йил февралда мамлакатимизда муқобил хизмат тўғрисидаги дастлабки муваққат низом қабул қилинган эди. Шунга асосан ўз бурчини ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг бир қисми заҳирага чиққунга қадар янги хизмат тизимига ўтказилди. Улар асосан 1992 йил баҳорида армияга чақирилган ва оилавий шароитига кўра муқобил хизматга жалб этилган ёшлардир.

Қисқа қилиб айтганда, МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасида фуқаролар учун ҳар жиҳатдан манфаатли бўлган янги ҳарбий тартиб жорий этилди. Бу бежиз эмас, албатта. 1992 йил 3 июлда Олий Кенгаш томонидан «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонун қабул қилинганди. Ушбу қонунга мувофиқ муқобил хизмат Ўзбекистон фуқаролари учун мажбурий хизмат турларидан бири бўлиб, уларни халқ хўжалиги соҳасидаги вақтинчалик ёлланма ишларга жалб этиш белгиланган қатъий тартиб асосида амалга оширилади. Муқобил хизмат даврида ишлаб топилган маблағнинг йигирма фоизи давлат бюджетига ўтказилади.

Таъкидлаш керакки, бу тажриба кундалик ҳаётда ўзини тўла оқлаяпти. Ўтган давр мобайнида биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 40 мингдан зиёд йигит муқобил хизматни ўташди. Бу нима дегани? Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида муқобил хизматга жалб этилган ёшлар мамлакатимиздаги йирик корхона ва қурилиш иншоотларида меҳнат қилишган бўлса, эндиликда уларнинг бир қисми саломатлигига кўра енгилроқ ишларга жалб этилмоқда.

Тошкент шаҳар муқобил хизмат бўлими юқорида тилга олинган қонун талабларидан келиб чиқиб, ўз фаолиятини такомиллаштиришга ҳаракат қилаяпти. Жойларда муқобил хизматни намунали ташкил этиш, унинг сифати ва самарадорлигини оширишда кўп йиллик тажриба қўл келаётганини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу йўналишда янги қўлланмалар ишлаб чиқилди. Муқобил хизматга раҳбарликнинг замонавий усул ва услублари амалиётга кенг жорий этилмоқда. Зеро, ёшлар тақдири учун ҳар биримиз бевосита масъулмиз. Шу боисдан муқобил хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, улар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, меҳнат қонунчилигига тўла риоя қилинишини таъминлаш, мураббийчилик ҳаракатини оммалаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратилиб, кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Кундалик ҳаётда муқобил хизматнинг аҳамияти каттадир. Яъни мазкур ҳолатда қонуннинг таъсир доирасига тушган кўпгина ёшлар ҳарбий қисмларда мажбурий хизматни ўтамай туриб, жамиятга кўпроқ фойда келтириш имкониятини қўлга киритадилар. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томондан амалдаги ҳарбий тартиб-қоидалар муқобил хизматга чақирилган ёшларга нисбатан ҳам жорий этилади. Улар барча тенгдошлари қатори ҳарбий тайёргарликдан ўтадилар.

Муқобил хизматни намунали ташкил этиш, ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Зеро, бу мамлакатимизнинг мудофаа ва иқтисодий қудратини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Хулоса қилиб айтганда, муқобил хизматни ўтаган ҳар бир йигит бу даврни яхши хотиралар билан эслаши турган гап. Негаки, муқобил хизмат янги касб-ҳунарларни эгаллаш, жамиятдан муносиб ўрин топиш имкониятини яратади. Кўплаб ёшлар хизмат муддатини ўтаб бўлгач, қадрдон жамоаларида қолиб ишлаш истагини билдиришаётгани бежиз эмас. Умуман, ўн йиллик тажриба мамлакатимизда жорий қилинган муқобил хизмат тизими ҳуқуқий-демократик давлат асосларини яратиш, унинг мудофаа қудратини ошириш, иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда зарур аҳамият касб этаётганидан далолат беради.

**Шавкат ШАРИПОВ,**
**Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси ҳузуридаги муқобил хизмат бўлими бошлиғи.**

# Нукусда нуфузли беллашув

**Қорақалпоғистон пойтахтидаги замонавий амфитеатрда яккакураш бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати ўтказилди. Уч кун давом этган ушбу тадбирда жаҳон ва мамлакат беллашувларида совринли ўринларни эгаллаб келаётган тажрибали спортчилар билан бирга ўнлаб иқтидорли ёшлар ҳам иштирок этишди.**

**«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» шиори остида ўтган беллашувда мамлакатимизнинг бир қатор шаҳарлари, вилоятларидан келган йигит-қизлар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Самарқандлик С.Сатторова, Х.Раупова, Г.Исматова, қорақолпоғистонлик Г.Қониёзова, Ю.Жусипбеков, Т.Саметова, тошкентлик А.Файзиев, Д.Проскурин ва бошқалар ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди.**

**Мусобақа спорт-шоу тарзида уюштирилиб, санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг чиқишлари спорт байрамига алоҳида файз киритди.**

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## САВОЛ БИЗДАН...

**Ниамей шаҳри қайси давлатнинг пойтахти?**

**136-35-60**

*Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:*

**Камбоджа.**

Бу ҳақда тошкентлик Файзулла Эшонхўжаев ҳамда Султонаҳмад Мусахўжаев хабар беришди.


## «MAKSIMA» мебель салони

Италия, Испания, Польшадан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, расмлар ва кўрпа-ёстиқ анжомларини таклиф этади.

## «MAKSIMA» АРТ-дизайн студияси

хонадонингиз, ҳовлингиз, ландшафт дизайнини якка тартибда ишлаб беради.
Каталог бўйича буюртмангиз етказиб берилади.

*Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш – БЕПУЛ.*

*Тушликсиз ва дам олиш кунисиз ишлаймиз.*




*Манзилимиз:*
*Кунаев (Саперная) кўчаси, 46-уй.*
*Телефонлар: 111-14-44, 152-75-94.*
*E-mail: maxima@online.ru*

5787/972







«Ўзбекистон» нашриёти жамоаси нашриёт ходими Шавкат Хаджиевга отаси
**Ғанибой ХАДЖИЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси лаборатория мудири С. Хўжаевга падари бузруквори
**САЙДАЛИ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг жамоаси «Сиёсат» студияси бош муҳаррири ўринбосари Ж. Болтаевга волидаи муҳтарамаси
**Саодатхон ая БОЛТАЕВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошкентнон» уюшмаси жамоаси уюшма раиси ўринбосари Х. Азизовга волидаи муҳтарамаси
**МУҲАРРАМ аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Андижон вилояти бош бошқармаси ва инкассацияси бошқармаси жамоалари устоз мураббий, республика инкассация бирлашмасининг Сирғали ўқув маркази мажмуаси директори
**Боқи ХАЛИЛОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 576, 36491 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **З. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **О. РАҲИМОВ.**
Навбатчи — **М. НОСИРОВ.**
Мусаҳҳиҳ — **Ш. МАШРАББОЕВ.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.00.*
1 2 3 4 5 6